O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2004-YIL ■ 29-IYUN ■ SESHANBA ■ 78 (27.253) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

**28 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида «Ўзбекистон қонунлари ва 2004 йилда демократик сайлов ўтказиш механизмлари тўғрисида»ги туркум семинарларнинг навбатдагиси бўлиб ўтди.**

**«Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳамда 2004 йилги сайлов кампаниясида сиёсий одоб доирасида иш тутиш муаммолари» мавзуидаги ушбу семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони масъул ходимлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари вакиллари, олимлар, мамлакатимиз ва чет эл журналистлари қатнашди.**

Анжуманни Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Б.Мустафоев бошқарди. «Парламент сайловида сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ва депутатликка номзодларга тенг имкониятлар яратиш масалалари», «Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари», «Сиёсий партияларнинг сайлов кампаниясини молиялаштириш масалалари», «Депутатликка номзодлар ишончли вакилларининг сайлов кампаниясида тутган ўрни» ҳамда «Сайловолди кампаниясида депутатликка номзодларнинг сиёсий одоб қоидаларига риоя этиш муаммолари» мавзуларида маърузалар тингланди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очиқ ва ошкора амалга оширилади. Бу нормани сайлов иштирокчиларига тенг имкониятлар яратиб берилишининг кафолатларидан бири, деб тушуниш керак. Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар. Сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

Оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги» қонун 27-моддасининг 2-қисмига мувофиқ депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, мустақил ташаббускор гуруҳларга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади.

Бу масала бўйича Марказий сайлов комиссиясининг йўриқномаси тайёрланмоқда. Йўриқномада мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият олиб бораётган даврий нашрлардан бири, сайловолди ташвиқот даврида, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод ҳақида ахборот ёки маълумот берадиган бўлса, худди шундай миқдорда ва ҳажмда тегишли округдаги бошқа номзодлар ҳақида ҳам нашрнинг келгуси сонларида ўша тартибда маълумот бериши назарда тутилмоқда.

Сиёсий партияларнинг, номзодларнинг сайловолди дастурлари билан чиқишлари учун тенг шароит яратилади. Барча сиёсий партиялар ва номзодлар учун радиоэшиттириш вақти, телекўрсатув давомийлиги бир хил белгиланади, нашрларда улар тўғрисидаги материаллар бир хил миқдор ва саҳифада чоп этилиши таъминланади.

Бундан ташқари, сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан барча номзодлар учун мутлақ тенг шароитларга риоя этилган ҳолда ташкил қилинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар ажратадилар. Депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатадилар.

(Давоми 2-бетда.)

Ватан ҳимояси — олий шараф





## САДОҚАТ ТАНТАНАСИ

Тошкент вилояти ва шаҳридан сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга жалб этилган ёшларнинг қасамёд қабул қилиши муносабати билан Чирчиқ гарнизонида тантаналар бўлиб ўтди. Мард ўғлонлар Тошкент ҳарбий округи қўмондонлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ота-оналари, ёр-дўстлари олдида Ватанга, халққа, Президентга содиқликка сўз бердилар. Тилларда янграган ҳар бир сўз қалбларга муҳрланди. Давлат мадҳияси ижроси, тантанавор руҳ барчанинг ҳаяжонига ҳаяжон, ғурурига ғурур қўшди.

Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни муваффақиятли тугатган ёшлар ҳарбий оркестр садолари остида минбар ёнидан шаҳдам қадамлар билан ўтдилар.

Тантаналар аскарлар клубида — санъаткорларнинг дилрабо куй ва қўшиқлари билан давом этди.

— Ўғлим Илёсжон Омонов Тошкент ҳуқуқшунослик институти сиртқи бўлимининг 3-курсида ўқиётган эди. Яхшиямки, ушбу хизмат тури бор экан. Ўқишидан, ишидан узилмай бир ой ичида ўз йигитлик бурчини ўтади, — дейди Саидахон Омонова.

Тошкент давлат маданият институтининг касбий педагогика факультети магистратурасини тугатган Султонмурод Қўшмоқовнинг қувончи ҳам чексиз:

— Тўғриси, қисқа муддат ичида шунча нарсани ўрганаман, етарли даражада ҳарбий тайёргарликдан ўтаман, деб ўйламаган эдим. Устоз офицерлардан миннатдорман. Бундай тайёргарлик босқичи, ҳарбийча интизом, кўникма йигит киши учун жуда зарурдир.

— Қаранг, қандай ажойиб тантаналар бўлди, — дейди кўзларида қувонч билан меҳнат фахрийси Суннатилло Тиллабеков, — ҳатто ҳарбий хизмат шароитлари, жанговар техникалар, қурол-аслаҳалар билан ҳам таништиришди. Видеокамера, ҳеч бўлмаганда фотоаппарат олиб келмаганимизга жуда афсусланмоқдамиз. Ўғлим Қодиржон Тошкент шарқшунослик институтининг араб филологияси факультетини тугатиб, шаҳар ҳокимлигида хизмат қилмоқда. Мана, ҳарбий хизматни ҳам муваффақиятли тугатди. Унинг тантанали равишда ҳарбий қасамёд қилганига онаси Маҳбубахон, ўғлим Баҳодиржонлар ҳам гувоҳ бўлишди. Бугун биз учун катта шодиёна.

Ҳа, отахон ҳақ гапни айтди. Ҳарбий қасамёд қабул қилиш мардликнинг, ўз юртига, халқига садоқатнинг ёрқин ифодасидир.

**Азимбек УСМОНОВ**

✧✧✧

**Александр МРУЧАК олган суратлар**

ЎзХДП: ҳисобот ва сайловлар

## ФАОЛЛИКНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК!

Наманган вилоятидаги ХДП туман ва шаҳар ташкилотларида ўтаётган ҳисобот-сайлов конференциялари уларнинг ўтган беш йилликдаги фаолиятини баҳоламоқда, янги режалар, аниқ мақсадлар белгиламоқда.

Косонсой, Тўрақўрғон, Чортоқ, Чуст туман ташкилотларининг конференцияларида партиявий эътиқод, сиёсат майдонидаги ҳалол ва холис рақобат, сайловларга тайёргарлик жараёнидаги интилишларда қонун устуворлигига риоя этиш заруратлари тўғрисидаги аниқ вазифалар кўриб чиқилди.

Наманган шаҳар партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясида кенгаш саркотиби А.Умаровнинг маърузасидан таъсирланган иштирокчиларнинг кўпчилиги ўз мулоҳазасини баён этиш учун сўз сўради.

— Бу галги сайловлар олдингиларидан кескин фарқ қилади. Икки палатали парламент тизимига ўтиш бунинг биринчи сабаби бўлса, иккинчиси сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатнинг ошганлигидир.

«Наманган ҳақиқати» газетасининг бош муҳаррири Маҳмуджон Парпиевнинг бу муҳим сиёсий кампанияга тайёргарлик бўйича биринчи навбатда қилиниши лозим бўлган ишлар, хусусан, тарғибот-ташвиқот таъсирчанлигини таъминлаш бўйича билдирган фикрларини бошқа сўзга чиққанлар ҳам қувватладилар.

— Бугун юқоридан туртки кутиб турадиган давр эмас. Эътиқодимиз, имонимиз йўлида ташаббускорликни ҳар биримиз, касбимиздан, фаолиятимиздан қатъи назар қўлга олмоғимиз зарур.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси Наманган шаҳар бўлимининг раиси Маматвали Турғуновнинг даъваткор сўзларида бир қатор мисоллар ҳам ифодаланди.

Бугун сиёсий партиялар ўртасидаги баҳсу мунозараларни кенг омма тушуниши, идрок этиши зарур. Бу йўлда партияларнинг айнан ЎзХДПнинг вазмин, эҳтиросларга эрк бермаган ўзига хос сиёсати қўл келиши муқаррар.

Конференция ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби Аслиддин Рустамов, вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Муҳаббатхон Абдуллаева Наманган шаҳар ҳокими Аюбхон Раҳматуллаев иштирок этдилар. МК биринчи котибининг партиямизнинг дастурий ғояларини рўёбга чиқариш йўлида фаолият кўрсатиш, партия ташкилотларининг аҳоли ўртасида олиб бораётган ишларини кучайтиришга даъвати бўйича аниқ таклифлар конференцияда иштирок этган фаолларни, улар орқали барча партиядошларимизни амалий фаолиятга чоғлантириши шубҳасиз.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — МУҚАДДАС БУРЧ

Мамлакатимизда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланди. Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан юртимизда миллий матбуотни қўллаб-қувватлаш, соҳа фаолиятини жаҳон андозалари даражасида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ўзгаришлар, демократик тамойилларни шакллантиришдек улуғвор ишларнинг фаол иштирокчиси, одамларимизни эркин фикрлашга ўргатадиган ва маънавий уйғоқликка даъват этадиган доимий ҳамроҳимизга айланди. Бунинг замирида журналистларимизнинг ўз касбига меҳр ва садоқати, сермашаққат меҳнати мужассам, албатта.

Ўзбек Миллий академик драма театрида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Халқимиз эришаётган ютуқларда, ҳаётимизда амалга оширилаётган бетакрор ўзгаришларда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Президентимиз табригида таъкидланганидек, жаҳонда кечаётган бугунги мураккаб жараёнларда халқимиз манфаатларини ҳимоя қилиш матбуот, айниқса, журналистлар зиммасидаги нафақат ўта долзарб ва масъулиятли вазифа, балки уларнинг муқаддас бурчи ҳамдир.

Узоқ йиллардан буён хизмат қилиб келаётган кекса журналистлар ва ўз сўзи, ўз овозига эга бўлиб бораётган ёш журналистлардан бир гуруҳига давлатимиз раҳбарининг эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган «Йилнинг энг фаол журналисти» (2003 йил) танлови ғолибларига совринлар топширилди. Энг яхши спорт журналистлари учун эълон қилинган танлов ғолиблари ҳам тақдирландилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирдилар.

Таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочиларнинг концерти байрамга алоҳида файз бағишлади.

**Н.УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

«Ғалла — 2004»

## ХОРАЗМЛИКЛАР ЗАФАРИ

**Урганч. (ЎзА мухбири Т.Шамаков).** Хоразм вилояти ғаллакорлари давлатга дон сотиш бўйича шартнома режасини бажарди. Улар қабул пунктларига 43500 тоннадан ортиқ ғалла топширди.

Бу борада Хазорасп, Боғот ва Ҳонқа туманидаги ширкат хўжаликлари ҳамда фермер уюшмалари деҳқонлари улкан ҳисса қўшди. Техникадан имкон қадар самарали фойдаланиш ўрим-йиғимни тез ва сифатли ўтказиш ҳамда донни янчиб олишга ёрдам берди.

## СУРХОННИНГ САРА ДОНИ

**ТЕРМИЗ. (ЎзА мухбири Чори Тўхтаев).** Сурхондарё вилояти ғаллакорлари дон тайёрлаш бўйича шартномавий мажбуриятини бажарди. Қабул пунктларига 213 минг тонна сара ғалла топширилди.

Хирмонга, айниқса, Денов, Шеробод, Қизириқ, Жарқўрғон ва Музработ тумани деҳқонлари салмоқли улуш қўшди.

## РЕЖА БАЖАРИЛДИ

Зангиота тумани ғаллакорлари давлат қабул пунктларига 6 минг 500 тоннадан зиёд сара дон етказиб бериб, шартномавий режаларини бажардилар.

Тумандаги «Назарбек» ширкат хўжалигида давлатга дон сотиш режаси 8 иш кунида бажарилди.

— Бу бежиз эмас, — дейди «Назарбек» ширкат хўжалиги раиси **Абдумажид Абдураҳмонов.** — Бу йилги натижани қаранг. Туманимиздаги кўпгина хўжаликларда ғалла ҳосилдорлиги 55-60 центнерга етди.

Тумандаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги ғаллакорлари жорий йилда 100 гектар майдонда деҳқончилик қилдилар. Ҳосилдорлик эса гектар бошига ўртача 55 центнерни ташкил этди.

— Хўжалигимиз ғалла майдонларида жорий йилда «Крошка» нави билан бир қаторда, янги «Болтазар» буғдой нави ҳам экилди, — дейди ширкат хўжалиги раиси **Равшан Йўлдошев.** — Энг муҳими бу йил тупроқнинг ҳосилдорлигига қараб нав танланди. Натижа эса чакки бўлмади.

**Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## КОНФЕРЕНЦИЯЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Ўзбекистон ХДП Янгийўл, Бектемир, Сардоба, Фарғона, Иштихон, Сирдарё, Ховос ва Боёвут туманлари ҳамда Қўқон, Янгиер шаҳар партия ташкилотларининг навбатдаги конференциялари бўлиб ўтди.**

Уларда партия кенгашлари биринчи котиблари Н.Арипов, Х.Розиметов, Р.Сатторов, Х.Қурбонов, М.Аҳмедов, Н.Эрматова, Р.Ибрагимов, С.Каримов ва З.Ҳошимованинг ўтган давр мобайнида қилинган ишлар бўйича ҳисобот-маърузалари тингланди.

Конференцияларда сўзга чиққан партия фаоллари аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларида фаоллик кўрсатиш, бўлажак ялпи сайловларга пухта ҳозирлик кўриш, халқнинг меҳри ва ишончини қозониш учун фаолият қамровини кенгайтириш масалалари ҳақида тўхталдилар. Шунингдек, партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Конференцияларда тегишли вилоятлар партия кенгаши биринчи котиблари С.Аъзамов, М.Исоқов, К.Исобоев, А.Қўчқоралиев иштирок этишди ва сўзга чиқишди.

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

## СОВҒАГА ГИЛАМ ОЛМОҚЧИМИСИЗ, МАРҲАМАТ

### ОЛМАЛИҚ ГИЛАМЛАРИ АЙНИ СИЗНИНГ ДИДИНГИЗГА МОС

Ўзбеклар — меҳмондўст, орзу-ҳавасли халқ. Тўй-хашамларга, яхши кунларга, албатта, совға-салом билан боришади. Бундай пайтларда одатда улар чиройли буюмлар, гулдасталар қатори гиламу поёндозлар харид қилишади. Борди-ю гилам олмоқчи бўлса, албатта харидорбобини излайди.

Олмалиқдаги «Poyondoz» Ўзбекистон — Эрон қўшма корхонаси жамоаси айни шундай гиламлар ва поёндозлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўлида муайян изланишлар олиб бормоқда. Яқинда бу ерда Эрондан келтирилган (Японияда ишлаб чиқарилган) «Xirano» намат ишлаб чиқариш ускунаси, Тожикистондан олинган (Германия маҳсулоти) «Textimo» ипак-гилам тўқиш машинаси, шунингдек, «Fexrer», ва «Dilo» пресcловчи ҳамда пардозловчи хориж дастгоҳлари муваффақиятли ишга туширилди. Уларни ишлатиш учун ўнлаб мутахассис кадрлар хорижий мамлакатларда малака оширдилар. Цехларда 40 та янги иш ўринлари очилди. Ҳозир бу ерда кеча-кундуз узлуксиз ишлаб турган дастгоҳлар ёрдамида маҳсулот турлари, хусусан, намат палослар тайёр ҳолда чиқарилмоқда (Ҳолбуки, илгари улар корхонада ярим тайёр ҳолда ишлаб чиқариларди). Бу эса молиявий сарф-харажатлар миқдорини камайтириб, олинаётган даромад ҳажмини оширди ва меҳнаткашларнинг ижтимоий муҳофазаси учун ажратилаётган маблағлар сарфини кўпайтирди.

— Ҳозирча Эрондан олинаётган хомашёнинг бир қисминигина келтирдик, — **дейди корхонанинг Бош директор ўринбосари Илҳом Икромов.** — Янги ускуналаримиз бир ойда тахминан 200000 м² намат ишлаб чиқариш қувватига эга. Хомашё (алёб)ни титиш, пресслаш, кейин уларни пардоз ускуналарига ўтказиш, клейлаш ва куритиш жараёнлари — ҳаммаси тўла автоматлашиб, меҳнат унумдорлиги 2-3 баробар ошди... Лабораториялар кўриги кўчайтирилиб, маҳсулотларимиз сифати тобора мижозлар дидини қозониб бормоқда.



— Мақсадимиз — жаҳон андозаларига мос рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш бўлиб ва бу йўлда тинимсиз изланиш олиб бориш, — деб суҳбатимизга якун ясади у. — Ишлаб чиқарган маҳсулотларимиз савдоси тобора кенгроқ кўлам олиши ва улар тарғиботини кучайтириш учун оммавий ахборот воситалари билан ҳам ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш ниятидамиз. Қолаверса, мен бугун бутун корхонамиз жамоаси номидан республикамизнинг барча қалам аҳлини, айниқса, «Ўзбекистон овози» газетаси ижодий жамоасини кеч бўлса-да, уларнинг касб байрамлари билан чин дилдан қутлаб, ҳаётда ва ишда катта ютуқлар тилайман...

**Зулхумор ЎРОЛОВА**

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга. Уларнинг ваколатлари тегишли сайлов комиссиялари томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлади. Бу институт ҳам парламент сайловида сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ва депутатликка номзодларга тенг имкониятлар яратиш воситалари қаторига киради. Фақат ундан самарали ва ўз вақтида фойдаланиш керак.

Манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўз кузатувчилари тўғрисида қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига сайловга камида ўн беш кун қолганида маълум қиладилар.

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган намунадаги мандатни манфаатдор ташкилотдан, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан ариза олинганидан кейин кузатувчига беш кун ичида беради. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун 6-моддасининг 7-қисмига мувофиқ кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

— сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

— овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баённомаларини тузишда ҳозир бўлиш;

— сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;

— агар сайлов участкасида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш. Шунинг билан бирга, кузатувчиларга қуйидагилар ман этилади:

— сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

— сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;

— сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

— участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутиларини муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралашиш.

Агар кузатувчи участка сайлов комиссияси фаолиятига халақит берса, фуқаролар ўзларининг сайлов ҳуқуқларини амалга ошираётганларида бу жараёнга аралашса ёки яширин овоз бериш тартиб ва қоидаларини бузадиган бўлса, участка сайлов комиссияси уни овоз бериш хонасидан чиқариб юборишга ҳақли. Бундай ҳолларда участка сайлов комиссияси кузатувчини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортишни сўраб тегишли органларга тақдимнома киритиши ҳам мумкин.

Бу қоида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича участка сайлов комиссиялари ишининг айрим масалалари тўғрисида»ги Марказий сайлов комиссиясининг йўриқномаси лойиҳасига киритилди.

Айтиб ўтилганидек, кишилик жамияти пайдо бўлганданоқ, демократиянинг куртаклари бор эди ва у ҳозир энг тараққий этган мамлакатларда ҳам ўзининг сўнгги чўққисига эришганича йўқ. Давлат билан бирга вужудга келган демократия инсоният тарихи давомида турли миллий-маданий шарт-шароитларга мослаша борган. Ҳар бир давлатда, миллатда ўзига хос қадриятлар, менталитет, анъаналар мавжуддир. Улар жамиятдаги демократик жараёнларга катта таъсир кўрсатади, бинобарин, демократик муассасаларни шакллантиришда мазкур омиллар, албатта, ҳисобга олинади.

Демократик давлатда инсон манфаати, қадр-қиммати, ҳаёти ҳар нарсадан юқори туради. Бундай давлат ўзини ўзи бошқариш, кўппартиялилик, оммавий ахборот воситаларининг эркин бўлиши, фикрлар хилма-хиллигига шароит яратади. Бироқ демократия ҳамма нарсада хоҳлаганча эркинлик эмас, қонунга асосланган эркинликдир. Демократиянинг ажралмас қисми интизом, қонунларни ҳурмат қилиш, бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишдир.

Анжуман қизғин баҳс-мунозаралар руҳида ўтди.

**(ЎзА)**

*Ватан туйғуси*

# ЮРТНИ ОЧИҚ КЎЗ ИЛА СЕВМОҚ

## ИЙМОННИНГ ИШИ

1996 йили профессионал бокс бўйича жаҳон чемпионлиги учун Артур Григорян рингга чиқаётган маҳалида хорижлик миллатдошлари унга Арманистон байроғи остида рингга чиқишини таклиф этишганда ҳамюртимиз уларга кескин рад жавоб бериб, шундай деган эди: **«Мен Ўзбекистон фарзандиман! Мамлакатим байроғи остида боксга тушиш мен учун шараф, бундан фахрланаман. Негаки, шу юртда туғилиб, шу юртда улғайдим. Бу тупроқни кўзимга суртаман. Сизлардан илтимос, бошқа бунақа таклиф қилманглар...»**

Буни ҳозир эслашдан мақсад нима? Артур йиғилишу давраларда ҳеч қачон Ватан ҳақида баландпарвоз, ҳавойи гапирмай, ватанпарварлигини амалий иш билан исботлаб келмоқда.

Биз-чи! Айримларимиз, юртга бўлган меҳрни, садоқатни амалий ишларимиз билан эмас, тилимиз билан исботламоқчи бўламиз. Энг қизиғи, бундай қизил, жимжимадор, баландпарвоз гапларни оддий одамлар — деҳқон ёки ишчилардан эмас, аксарият ҳолларда зиёлилар ва каттаю-кичик раҳбарлардан эшитамиз. Аслида Ватанни севиш ва унга бўлган садоқатни эътироф этиш овозда пастроқ айтилса ҳам, ўз-ўзидан баландроқ, янгроқ, сороқ эшитилади. Таъбир жоиз бўлса, ҳар ким ўз аъмолига мос гапиргани маъқул. Зеро, Она тупроққа бўлган муносабатни сўз билан қиёслаб бўлмайди. Бунда самимият керак. Самимият йўқолган жойда ёлғон илдиз отади.

**ТАРИХГА НАЗАР:** ...Чингизхон Шайх Нажмиддин Қуброга жони омонлик тилаб одамлари орқали тайин этади: «Маълум қилингларки, Шайх ила қариндошлари жазодан озоддур. Локин, Урганчни тезда тарк этсунлар!..»

Бу тариқа «мурувват» Шайхга ҳақоратдек туюлади. Бу орада ғалабага кўзи етмаган ночор амалдорлар қалъани ташлаб қочишга мажбур бўладилар. Қубро эса қариндошлари ва издошларини жангга даъват этиб, ўзи ҳам Шайх либосида қилич ялонғочлаб майдонга тушади... Ривоят қилишларича у ёғий ёйидан яраланиб, жон беракан, душман байроғи туғида панжалари қолади. Ҳарчанд уринишса-да бармоқларни ажрата олишолмайди...

**ЮРТ ТИНЧЛИГИ УЧУН...** 2000 йил. Сурхондарё вилоятининг Тожикистон билан чегарадош тоғли туманларида террорчилар гуруҳи билан тўқнашув пайтида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг бир неча ҳарбий хизматчиси: Маҳмуджон, Алишер, Ғофуржон, Бобуржон, Сайёр, Маъруфжон, Эломон, Абдуҳалим, Юнус, Улуғбек, Дониёр, Қаҳрамон исмли ёш-ёш навқирон йигитларимиз қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Айтингчи, уларнинг яшагиси келмаганмиди?

...Ғиждувонлик Зоҳир ака Ражабов Тошкентдан келин туширмоқчи эди. Ғофуржон билан Ҳадисахоннинг фотиҳа тўйлари ўтиб, августда катта тўй бўлиш арафаси эди. Ғофуржон ориятли, полвон йигит эди. Ватанимиз жанубий сарҳадларига суқилиб кирмоқчи бўлган бир гуруҳ газандаларни йўқ қилишда иштирок этишни ўзига муқаддас бурч, деб билди. У ўзи хизмат қилаётган Тошкент олий ҳарбий билим юрти раҳбариятига шахсан мурожаат этиб, Сариосиёга жўнатишларини сўради. Раҳбарият ҳам Ғофуржонлар тўйидан бохабар бўлиб, бўлажак келин ва бўлажак қайнота шу билим юртида ишларди. «Сен яхшиси, тўйга тайёргарлик кўр, унгача ўртоқларинг ҳам қайтишар» дейишганига кўнмади: «Юрт тинч бўлмай, дўстларим жангда бўлса, менга тўй татийдими, — деди у...

Афсус, минг афсус, у қайтмади... юрт тинчлиги, деб шаҳид кетди.

...Махсус гуруҳ командирининг ўринбосари Бобур Ғаниев яшаган жой — Марғилонга, ўғлидан ажралган она ҳузурига бориш нақадар оғир эди ўша кунлари...

— Мен ҳатто йиғламаяпман, — деди аза кунлари унинг онаси Мунаввар опа. — Чунки мен ўзимга ҳам, яқинларимга ҳам сўз бердим. Ўғлимга муносиб бўлмоқ учун ўзимни тутиб тураман... Ахир Бобуржонни ёдлаб йиғлашим эмас, Ватанга мард ўғлон тарбиялай олганимдан фахрланишим керак...

Гапиринг, бу сўзларни қандай изоҳлайсиз?! Юртга, элга, Ватанга бўлган содиқликнинг саодати эмасми бу?..

**ҲАММА БИЛГАН ҲАҚИҚАТ.** Ватанни бақириб-чақириб севмайдилар. Бундай ҳилқат одамнинг жон томиридаги қонга қўшилиб оқади, вужудида, юрагида илдиз отади. «Ватанни севмоқ иймондандир!»... Бу — муқаддас битик ва олий даъват. Демак, бунинг мағзини иймонли одамгина тушуна олади.

Иймон надир? У қаерда ошён топган? Ватан, юрт деган тушунчалар борлиғи ҳақи — вақтида қанча-қанча қонлар дарё-дарё бўлиб оқиб, тупроқлар мотам либосига бурканди. Чунки Ватан ҳеч қачон бировга осонлик билан бериб қўйилмаган, осонликча олинмаган!!! Маҳмуд Таробий, Мангуберди, Ҳазрат Соҳибқирон, Қурбонжон додҳо, Дукчи Эшон руҳлари сўйласин буни...

Бир ёмон касаллик бор: Ватан шуҳрати ва равнақини баъзан ҳар кимга ҳам доҳил этаверамиз. Локин, айримларга дурустроқ мансаб тегиб қолса борми, дарров дангиллама уй-жой қуриш, қўш-қўш машина олишу, дабдабали тўйлар қилиш ҳаракатига тушиб қолишади. Ниманинг ҳисобига, (ваҳоланки, ойлиги нари борса 100 минг сўмдир.) ниманинг эвазига?! Негадир, бу борада чуқур ўйлаб кўрмаймиз... Аксинча улардан юртга бўлган содиқлик хусусида сўраб қолсангиз, барчага ёд бўлиб, сийқаси чиқиб кетган гапларни ирод қиладилар. Улар «Мен ўз шахсий манфаатимни ўйлайман, юртга бўлган содиқлигим қалбаки» демайди ҳеч қачон.

Ер юзидаги барча миллатнинг ўз Ватани бор. Туғилган юртига бўлган садоқат намунасини улар турлича талқин этишади. Бир донишманд шундай деган экан: «Мен Ватанимни танқид қилишим мумкин, лекин ҳеч қачон алдамайман. Ишонинг, мен ўз Ватанимни ҳар бирингиздан кўра кўпроқ яхши кўраман. Унга шон-шуҳрат тилайман, халқимнинг юксак фазилатларини қадрлайман... Бироқ мен Ватанни кўзни юмиб севишга ўрганмаганман...»

Ҳа, Ватанни қуруқ сўз, юмуқ кўз билан эмас, баҳру дилу очиқ кўз ила севмоқ чинакам иймон ишидир.

**Илҳом КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

*Халқ демократик партияси ҳаётидан*

# ОБРЎНИНГ ЎЗИ КЕЛМАЙДИ

## дейди Ўзбекистон ХДП Хоразм вилояти кенгаши биринчи котиби Раимберган САБУРОВ

Котиб билан суҳбатимиз партиянинг қуйи бўғинлари — бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайловлар якуни, улардан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида бўлди.

**— Раимберган Саъдуллаевич, одатда бирор-бир тадбир муваффақиятли якунлангач, киши анча енгил тортади. Негаки, қилинган ишларга баҳо берилиб, янги вазифалар белгилаб олинади.**

— Айтайлик, ишимизга берилган баҳодан қониқиш ҳосил қилмасак-чи? Тўғри, бошланғич партия ташкилотларида ўтган ҳисобот-сайловлардан бир қадар қониқиш ҳосил қилдик. Бу эса энди қўл қовуштириб ўтириш дегани эмас. Олдинда янада масъулиятли синов — конференциялар турибди. Шу ўринда рақамларга тўхталиб ўтай: 870 та БПТнинг деярли барчасида қуйи бўғин ташкилотларимизнинг фаолияти қониқарли деб топилди. Бу биринчи навбатда кадрларнинг ўз ўрнида эканлиги ва кўп сонли партия аъзоларининг бошланғич ташкилотлар фаолияти учун якдилликда ишлаганлари натижасидир.

**— Бу баҳони партияга бўлган ишонч, деб қабул қилиш мумкинми?**

— Яна бир рақамни келтирсам баҳога янада аниқлик киритган бўламан. Ҳисобот-сайловлар ўтказилган даврда вилоят миқёсида партиямиз сафига 200 нафардан ортиқ янги аъзолар қабул қилинди.

Буни сон ортидан қувиш, деб қарамаслик лозим. Эндиликда, ХДПга кириш истагини билдирган кишиларга талаб анча ўсган. Партиянинг вилоят кенгаши қошида фаолият кўрсатаётган жамоатчилик комиссиялари ҳам эътиборни шунга қаратишмоқда. Ахир, ростини айтишимиз керак — анча муддат партиямиз аъзоси бўлган айримларнинг ҳеч кутилмаганда янгитдан ташкил топган партияга, ҳатто бизнинг ҳисобдан чиқмасдан туриб, ўтиб кетиши каби ҳоллар ҳам бўлди. Албатта, бу ҳар бир фуқаронинг Конституциямизда кафолатланган ҳуқуқи ва ўз виждонига боғлиқ.

**— Партия Марказий Кенгаши аъзоси бўлган бир кишининг янги тузилган партияга ўтиб, унинг вилоят кенгаши биринчи котиби бўлгани ҳақида вилоят пленумида кескин фикрлар айтилгани ёдимда...**

— Бу ҳақда юқорида фикримни айтдим. Қўшимча қилиб, бундай иш ҳар бир кишининг имон-эътиқодига ҳам боғлиқлигини эслатмоқчи эдим. Имон мустаҳкам, эътиқод кучли бўлса, юқори мансаб таклиф қилинган жойда ҳам киши ўзини йўқотиб қўймайди. Аммо, бир-икки кишининг бетайинлиги билан кўпчиликка баҳо бериш ўринсиз. Айнан ўша «кўчманчи» раҳбар бўлган корхонада салкам қирқ нафар партия аъзоларимиз меҳнат қилишмоқда. Уларга «Ё бизнинг партияга кирасан ёки ишдан бўшаб кетасан», деган қаттиқ талаб ҳам қўйишганмиш. Аммо фақат биргина партия аъзоси алдовларга учди, қолганлари ҳатто ишдан кетиш ҳақидаги тазйиқлардан сўнг ҳам ХДПга содиқ қолишди. Бу мазкур корхонада каттакон раҳбардан кўра партиямизнинг нуфузи нақадар юқори, унинг бошланғич ташкилоти котибининг обрўси баландлигини кўрсатиб турибди.

**— Бу мисол сайловлар арафасида партиялар ўртасида кураш кескинлашаётганидан дарак эмасми?**

— Охирги пайтларда республикамизда фаолият кўрсатаётган партияларнинг эгизаклардай бир-бирига ўхшашлиги ҳақида фикрлар айтилмоқда. Менинг фикримча, шаклан ўхшашлик бўлиши билан мазмун жиҳатдан фарқ бўлиши шарт ва бизнинг партиямиз шунга ҳаракат қилмоқда.

Бугун фаол ҳаракатлар, амалий ишлар вақти келди. Биз ўз саъй-ҳаракатларимиз билан сайловчиларимизнинг манфаатларини ифода этишимиз, аниқ ишларда, парламентчилик фаолиятида ўзимизни кўрсатишимиз шарт. Бинобарин, давлатимизда сиёсий партияларнинг фаолияти учун зарур ҳуқуқий замин яратилган, молиявий аҳволини барқарорлаштиришга қаратилган имкониятлар ҳам очилмоқда.

Олий Мажлис XIV сессияси материалларини кенг халқ оммасига тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида ташкил этилган «давра суҳбатлари», ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва бошқа тадбирларда ҳаётимиздаги мавжуд ўз ечимини кутаётган муаммолар, камчилик ва нуқсонлар тўғрисида фикрлар, таклифлар билдирилди. Бу учрашувларни биз аҳолининг деярли барча қатламлари орасида ўтказишга ҳаракат қилаяпмиз.

Ушбу таклиф ва фикрларда кундалик турмушимизнинг муаммолари ўз аксини топган. Мисол учун: электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар ҳақининг деярли ҳар икки ойда оширилишини олиб кўрайлик. Бу ҳолатни ҳам аллақачон тартибга солиш вақти етди. Ёки шаҳардаги «ижарага қўйиш» деган одатни олайлик. Урганч шаҳрида юзлаб хонадонларда бу ҳолатни кузатиш мумкин. Кўп қаватли уйлардан қандайдир йўллар билан квартира олган кишиларнинг аксари туманларда яшашади ва бу ерда кимларнидир ижарага қўйишади. Уларнинг шахси билан ҳеч ким қизиқмайди. Ахир эгасиз, назоратсиз ана шу квартираларда ёвуз ниятли кимсалар яшашлари ҳам мумкин-ку, деган тахминни ҳеч ким инкор қилолмайди. Баҳорда Тошкент ва Бухорода бўлиб ўтган кўпорувчилик ҳаракатлари бизни ҳар доим огоҳликка даъват қилиб туриши керак.

Яна бир масала — ёшларни Жанубий Кореяга ишга жўнатиш жараёнини олиб кўрайлик. Бу жараёнда ошкоралик йўқ. Шу боисдан ўтган йили вилоятда белгиланган лимит ҳатто эллик фоизга ҳам бажарилмаган. Буни ким назорат қилади?..

Ана шундай ўта долзарб масалалар партия ташкилотлари фаолиятининг муҳим бир қисми бўлмоғи керак. Уларнинг ечими юзасидан таклиф ва мулоҳазаларни партия Марказий Кенгашига етказдик ҳамда ХДПдан сайланган депутатларимизга ҳам таклифлар тарзида тақдим этилди. Умид қиламизки, улар бу муаммоларни қонун даражасида ҳал этишга ҳаракат қиладилар.

**— Сайловлар олдидан вилоят миқёсида бирор «прогноз» билдира оласизми?**

— Аввало сайловчи беш йил олдинги эмас. Улар бугун кимнинг имконияти қандай, ким уларнинг манфаатларини ҳимоя қила олади, кимнинг бераётган ваъдалари адолатли ҳамда ёлғонлардан холи эканлигини ажрата олади. Бу эса охир-оқибатда партиянинг обрўси ва нуфузи билан белгиланади. Бизнинг имкониятларимиз кенг. Унинг доирасида ўз фаолиятимизни янгича изга кўчириб ишлаяпмиз. Обрўнинг қуруқ сўз билан келмаслигини биламиз.

**Рўзимбой ҲАСАН суҳбатлашди.**

*Қинғир иш — келтирар ташвиш*

**Очиғи, ҳамма ҳам иқтисодий масалаларда етарли тушунчага эга эмас. Тўлаётган солиқларимиз давлатимиз қудратини оширишга, халқимиз турмуш шароитини яхшилашга дахлдорлигини тўғриси, айримлар тушунмайди. Натижада баъзи фуқаролар солиқ тўлашдан бўйин товламоқчи бўладилар. Айрим юртдошларимиз эса била туриб қинғир ишга қўл урмоқдалар. Солиққа оид жиноятларнинг аксарияти «ким ҳам билиб ўтирибди» қабилида содир этилаётгани ачинарли.**

**Солиқ соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш, солиқ интизомини мустаҳкамлаш ҳамда давлатга етказилган зарарларни тўлиқ ундириш, шунингдек, яширин иқтисодиётни бартараф этишга қаратилган тадбирлар хусусида Тошкент вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Илҳом ЛАТИБОВ билан суҳбатлашдик.**



# ДАРОМАД ҲАЛОЛ БЎЛСА...

## ОРТИҚЧА ГАП-СЎЗЛАРГА ЎРИН ҚОЛМАЙДИ

— Аввало, нима учун солиқ тўлаймиз, деган саволга қисқача тўхталсам. Солиқ — маълум тартиб асосида фуқаролардан давлат фойдасига ундириладиган пул ёки маблағни англатади. Ёки солиқни давлат томонидан кўрсатиладиган хизмат учун мажбурий тўлов деса ҳам бўлади. Солиқнинг зарурлиги шундаки, ҳар бир фуқаро у ёки бу хилдаги давлат хизматидан фойдаланади. Яъни, тиббий хизмат, таълим, хавфсизлик, моддий ёрдам ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммасига маблағ керак. Давлат маблағни қаердан олади? Албатта, ўз фуқароларидан. Ҳар бир фуқаро давлат хизматидан фойдаланар экан, бу хизматлар ҳақини эса солиқлар орқали тўлайди.

Маълумки, 2001 йилда Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, республика Бош прокуратураси ҳузурида солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти, унинг ҳудудий бошқарма ва туман-шаҳар бўлимлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган.

Тошкент вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари томонидан шу қарор ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳудудидаги бошқа маъмурий органлар билан ҳамкорликда изчил тадбирлар амалга оширилмоқда. Бошқарма ташкил этилгандан буён олиб борилган тадбирлар давомида жами 4218 та ҳолатда ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, шундан 841 та ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича 11.910.051,0 минг сўмлик етказилган зарар, қўшимча солиқ ва молиявий жарималар қўлланилиб, шундан 7.929.650,0 минг сўми ундирилиб, бюджетга тушиши таъминланди.

Тошкент туманида рўйхатдан ўтган «Феруза» МЧЖ фаолияти Давлат солиқ бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўрганилганда, жамият томонидан Тошкент шаҳрида жойлашган 3 та тижорат банкда ҳисоб рақамлари очиб, 1800 миллион сўмлик товар айланмасини амалга ошириб, ҳисоботларда кўрсатмаганлиги сабабли, 1061,9 миллион сўмлик солиқ ва молиявий жарима қўлланиб, жамият раҳбарига нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Ушбу жиноят иши бўйича олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида бюджетга етказилган 86 миллион сўмликдан ортиқ зарар ундириб, қопланди.

**— Департамент органлари олдига акциз солиғи солинадиган товарларнинг ғайриқонуний ишлаб чиқарилиши, ноқонуний айланиши ва муомалага киритилишига барҳам бериш вазифаси ҳам юклатилган. Бу вазифа бошқарма ходимлари томонидан қандай бажарилмоқда?**

— Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳкамаси қарори ижросини таъминлаш ҳамда вилоят ҳудудида акциз маркасиз спиртли ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқариш, муомалага киритиш ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш ва барҳам бериш мақсадида бошқарма ва унинг туман-шаҳар бўлимлари томонидан олиб борилган тадбирлар давомида 800 дан ортиқ ноқонуний ҳолат аниқланиб, 200 дан ортиқ жиноят иши қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан Ўзбекистон Республикаси акциз маркалари билан маркаланмаган, ноқонуний муомалага киритилган 66.536,0 минг сўмлик спиртли ичимликлар ва 71.238,0 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари давлат фойдасига мусодара қилиш учун олиб қўйилди.

Тезкор маълумотлар асосида ўтказилган тадбирда Янгийўл тумани, «Озод» жамоа хўжалиги ҳудудида Х.Қиличов ва Б.Қурбоновлар бошқарувидаги «КамАЗ» русумли 18С0931 давлат рақамли юк автомобили тўхтатилиб, юкхонаси кўздан кечирилганида акциз маркасиз тамаки маҳсулотлари борлиги аниқланган.

Ҳужжатсиз бўлган тамаки маҳсулотлари ҳисобдан ўтказилганида Хайрулла Қиличов ва Бахтиёр Қурбоновлар ўзаро жиноий тил бириктирган ҳолда, божхона назоратини четлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига акциз маркаси билан маркаланмаган 80.500 қути, 36.225.000 сўмлик жуда кўп миқдордаги Корея Республикасида ишлаб чиқарилган «PINE» тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш мақсадида олиб келаётганлиги маълум бўлди. Уларга нисбатан қонуний чора кўрилди.

**— Солиқ тўлашдан бўйин товлаб, рўйхатдан ўтмасдан ноқонуний фаолият юритаётган яширин цехларни аниқлаш бўйича олиб борилган тадбирлар хусусида ҳам тўхталсангиз.**

— Вилоят ҳудудида тегишли жойлардан рухсатномалар олмасдан, солиқ тўлашдан бўйин товлаб, яширин фаолият юритаётганлар учраб турибди. 134 та яширин ҳолда маҳсулот ишлаб чиқараётганлар фош этилиб, улардан 30.547,0 минг сўмлик товар-моддий бойликлар олинди. 55 та ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилган.

**— Ҳукуматнинг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳам сизлардан доимий ҳушёрликни талаб этади. Шундай эмасми?**

— Албатта. Бироқ, тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамасдан қўшни Қозоғистон ва Тожикистон Республикаларидан товар-моддий бойликларини ноқонуний олиб кириш ҳолатлари учрамоқда. Республикамиз ҳудудига ноқонуний тарзда яширин йўллар орқали 1470 та ҳолатда товар-моддий бойликлар олиб кирилган. 260 та ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилди.

Яна бир гап. Товарларни мамлакатимизга ноқонуний олиб киришда фойдаланилган 58 та автомашинанинг бугунги кунгача 27 таси суд ҳукмлари билан мусодара қилинди.

Фурсатдан фойдаланиб, баъзи фикрларни айтсам. Халқимиз қадимдан савдо-сотиқ билан шуғулланиб шунинг орқасидан ҳалол даромад кўриб келган. Ҳалол даромаднинг эса баракаси бўлади. Айрим юртдошларимизнинг солиқдан қочиб даромадни яшираётгани, яширин цехлар очиб ноқонуний иш қилишаётганини қандай баҳолаш керак? Фойда кўраман, тезроқ бойийман дея солиққа «чап» беришнинг охири яхшилик билан тугамайди.

**Суҳбатдош: Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

*«Ғалла — 2004»*

# РЕЖА БАЖАРИЛДИ

**ҚИЗИЛТЕПА.** Туман ғаллакорлари Навоий вилоятида биринчилардан бўлиб, давлатга дон сотиш шартномавий режасини бажардилар. Эл хирмонига режадаги 17 минг 505 тонна ўрнига 17 минг 520 тонна сара дон етказиб берилди.

Эришилган муваффақиятга «Ўзбекистон», «Варозун», «Бухоро», Қосим Қобилов номли, Алишер Навоий номли ширкат хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар. Уларнинг ҳар бирида ҳосилдорлик гектар бошига ўртача 48-50 центнерни ташкил этди.

**Музаффар ШАРОПОВ**

✧✧✧

**НАРПАЙ.** Давлатга ғалла сотиш шартномавий режаларини бажаришда туман ғаллакорлари Самарқанд вилоятида пешқадамлик қилдилар.

Бугунгача хирмонга 12300 тоннадан ортиқ дон тўкилди. Ҳосилдорлик гектар бошига мўлжалдаги 46 центнер ўрнига 50 центнерни ташкил этди. Бироқ ғалла пайкалларининг 45-50 фоизига ҳали ўроқ тушганича йўқ. Бу — ҳосил салмоғи яна ошишидан дарак. Алишер Навоий номли, Улуғбек номли, «Иттифоқ», «Ўзбекистон» Ислом шоир номли «Туркистон» ва Бобур номли хўжаликлар ўрим-йиғимда олдинда боришаяпти.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ**

XORIJDA

## ИРОҚНИ ТАРК ЭТМОҚЧИ

Ироқда иш олиб бораётган кўпчилик хорижлик хусусий пудратчилар 30 июнгача мамлакатдан чиқиб кетишни мўлжаллаб туришибди. Негаки, 30 июнь куни коалиция маъмурияти ҳокимиятни Ироқнинг мустақил ҳукумати қўлига топширади. Бу ҳақда The Washington Times газетаси маълум қилди.

Газетада ёзишларича, Бағдоддаги кўпгина компаниялар хизматчилари Қувайтга, Иордания ва Дубайга кетмоқдалар. Ироқ шимолида фаолият юритаётган компаниялар эса Туркияга ўтмоқдалар.

Сабаб: ҳокимият ироқликлар қўлига ўтгач, мамлакатда тартибсизликлар юз беради, ҳатто фуқаролар уруши бошланиши мумкин, деган фаразларни кўпчилик ўзича «башорат» қилмоқда. Экспертлар хавфсизлик борасида фикр юритар экан, террорчилар нефть саноатининг ва электр станцияларининг муҳим объектларини нишонга олиши мумкинлиги борасида огоҳлантирмоқдалар.

**Халқаро Валюта жамғармаси ташкил топганлигининг 60 йиллиги олдидан**

# ЖАҲОН ВАЛЮТА ТИЗИМИНИНГ ЕТАКЧИ ИНСТИТУТИ

Халқаро Валюта Жамғармаси (ХВЖ) иккинчи жаҳон уруши якуни арафасида урушдан талафот кўрган мамлакатларнинг оғир иқтисодий аҳволдан чиқиб олишларига кўмак бериш ва «буюк инқироз»га сабаб бўлган, норационал иқтисодий сиёсатлар такрорланишининг олдини олиш мақсадида ташкил этилган йирик халқаро институтдир.

Жамғарманинг бошқарув институти Вашингтонда жойлашган бўлиб, ҳозирда унга 180 дан ортиқ давлат аъзо. ХВЖ мамлакатларни рационал иқтисодий сиёсат юритишга ундаш орқали валюта тизими инқирозининг олдини олади. Бундан ташқари тўлов балансида вақтинчалик номувофиқликка учраган давлатлар жамғарманинг мавжуд маблағларидан фойдаланишлари мумкин.

Жаҳон миқёсида тенг кечувчи савдони кенгайтириш, айрибошлаш курсларининг меъёрий ҳолатини таъминлаш, валюта девальвация (муомаладаги қадрсизланган қоғоз пулларни бекор қилиш ёки қийматини тушириш)ларига чек қўйиш ва мамлакат тўлов балансини тузатиш кабилар ХВЖнинг мақсад-муддаосидир. Бу мақсадларга қуйидаги вазифаларни амалга ошириш орқали эришилади:

Биринчидан, ХВЖ аъзо мамлакатларда иқтисодий ҳамда молиявий сиёсатларни кузатиб боради ва маслаҳатлар беради. Масалан, 2000 йил Япония иқтисодиётининг йиллик таҳлилида жамғарма ижроия бюроси Япония ҳукуматининг фоиз ставкаларини камайтириш, корпоратив ва банк ислоҳотларини ўтказиш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштириш ва рақобатни шакллантириш ҳақида ўз тавсияларини берди.

Иккинчидан, аъзо мамлакатларнинг тўлов балансидаги муаммоларга барҳам бериш учун қисқа муддатли кредитлар ажратади. Бунда у нафақат вақтинчалик молиялаш, балки номувофиқликни келтириб чиқарган муаммоларни ҳал қилиш ва тегишли ислоҳотларни ўтказишни қўллаб-қувватлашни назарда тутади.

1997-1998 йилларда, яъни Осиёда молиявий инқироз даврида ХВЖ Жанубий Кореянинг молиявий резервларини тиклашга яқиндан ёрдам берди. Мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш, молиявий ҳамда ишлаб чиқариш секторларини қайта тузиш, молиявий инқироздан чиқиб олиши учун 21 млрд. АҚШ доллари ажратди. 2000 йил октябрь ойида эса Кенияда юз берган қаттиқ қурғоқчилик оқибатида кўрилган зарарни қоплаш учун Кения ҳукуматига қўшимча 52 млн. АҚШ доллари миқдорида ёрдам берди.

Учинчидан, ХВЖ аъзо давлатларнинг ҳукуматларини ва марказий банкларини тегишли техник ёрдам билан таъминлайди.

Совет тузуми парчалангандан кейин ХВЖ Болтиқ бўйи, Россия ва бошқа мамлакатларга марказий банклари ғазна тизимини ташкил қилишларида яқиндан ёрдам берди.

Ўзбекистон ХВЖга 1992 йил 1 сентябрда аъзо бўлиб кирди. Унинг квотаси 275.60 миллион СДР (396 миллион АҚШ долларига тенг) ни ташкил этади.

2003 йил 15 октябрда Ўзбекистон Республикаси ХВЖга Келишув Шартлари саккизинчи моддаси 2(а)-, 3- ва 4-бўлимларини қабул қилгани тўғрисида расмий хабар берди. Жамғарманинг бу шартларини қабул қилган аъзо мамлакатлар жорий халқаро операциялар бўйича тўловларга миллий валюталари эркинлаштирилишини йўлга қўйиш, валюта алмаштариш курсларининг бир неча хиллигига барҳам бериш ва молия агентликларининг дискриминацион валюта муносабатлари билан шуғулланмасликларига замин яратади.

Жамғарманинг мазкур шартларини қабул қиларкан Ўзбекистон жорий халқаро ҳисоб-китоблар барча чекловлардан озод бўлишини ва ватанимиз кўп томонли халқаро тўловлар тизимида унинг тўла субъектига айланганини кенг жамоатчиликка маълум қилди.

ХВЖ Ўзбекистонга ижтимоий харажатлар бошқаруви, солиқ, божхона, валюта сиёсати ва миллий ҳисоб-китоблар юритиш соҳаларини такомиллаштиришда ёрдам бериб келмоқда. Шу билан биргаликда, мутахассислар ҳамкорлиги ҳам йўлга қўйилган. Ўзбекистонлик мутахассислар Вена институтида макроиқтисодий таҳлил ва сиёсат, Марказий банк ҳисоби, молия сиёсати бошқаруви ва тўловлар тизими соҳалари бўйича ўтказиладиган курслар ва семинарларда қатнашиб келадилар.

Яқин кунларда ХВЖ ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлайди. Шу ўтган давр мобайнида жамғарма жаҳон валюта тизими шаклланишида салмоқли ўринни тутиб келмоқда. Демак, дунё интеграциялашувида ХВЖнинг роли ўзига хос.

**Ойбек ШУКУРОВ**



*Италия. Сена шаҳри панорамаси*

## НЕФТЬ ЗАҲИРАСИ КАМАЙМОҚДА

Мексиканинг ПЕМЕКС давлат нефть монополисти разведка маълумотларига асосланиб расмий хабар беришича, мамлакат нефть заҳираси кейинги уч йилда 42 фоизга камайиб кетган. Сабаб: 2001-2003 йилларда заҳирадаги нефть конларидан фойдаланиш сезиларли даражада тезлашган. Ва натижада аниқланган нефть заҳиралари 11,9 йилга етиши мумкин холос. Тўрт йил аввалги ҳисоб-китобларга кўра эса заҳира 22 йилга етиши керак эди.

ПЕМЕКС эълон қилган маълумотларда қайд этилишича, 2001 йилги разведкада аниқланган нефть ва газ заҳираси 32 миллиард 614 миллион 400 минг баррелга тенг, дея баҳоланган эди. 2004 йил 1 январь ҳолатига эса бу рақам 18 миллиард 895 миллион баррелга тушиб қолган.

Нефть конларини эксплуатация қилиш тезлашганини яна шу нарса ҳам тасдиқлайдики, жорий йилнинг 5 ойида 8 миллиард 36 миллион долларлик нефть экспорт қилинган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 миллиард 111 миллион доллар кўп дегани.

## СВЕДЕНИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ ПОРЯДКОВЫЙ НОМЕР СООБЩЕНИЯ — 09

| Решение общего собрания ОАО «PO`LATQURILMA» | | | |
|---|---|---|---|
| Вид общего собрания (годовое внеочередное) | годовое | | |
| Форма проведения общего собрания | очное | | |
| Дата проведения общего собрания | 04 июня 2004 г. | | |
| Место проведения общего собрания | г.Ташкент, ул.Чаштепинская, д 35 а. | | |
| Кворум общего собрания | 198272 голоса из 324 637. кворум 61,07% | | |
| Вопросы, поставленные на голосование и итоги голосования по ним | | | |
| Избрать в состав Счетной комиссии Пащенко Т.М., Хегай Т.Н., Харитонову Н.Н. | | | |
| Голосовали | «За» — 198272 | «Против» — нет | «Воздержавшихся» — нет |
| 1. | Утвердить отчет Председателя правления и руководителей структурных подразделений об итогах деятельности ОАО за 2003 год и оценить деятельность исполнительного органа «Удовлетворительно» | | |
| Голосовали | «За» — 197229 | «Против» — 374 | «Воздержавшихся» — 669 |
| 2. | Избрать Председателя Правления общества Цай Ермолай Михайловича | | |
| Голосовали | «За» — 197229 | «Против» — нет | «Воздержавшихся» — 1034 |
| 3. | Утвердить бухгалтерский баланс ОАО «PO`LATQURILMA» по состоянию на 31 декабря 2003 года | | |
| Голосовали | «За» — 197812 | «Против» — 86 | «Воздержавшихся» — 374 |
| 3.1. | Утвердить отчета о финансовых результатах по состоянию на 31 декабря 2003 г. | | |
| Голосовали | «За» — 197812 | «Против» — нет | «Воздержавшихся» — 460 |
| 3.2. | Утвердить отчет о прибылях и убытках ОАО «PO`LATQURILMA» за 2003 год | | |
| Голосовали | «За» — 197812 | «Против» — нет | «Воздержавшихся» — 460 |
| 3.3. | Утвердить отчет ревизионной комиссии и принять к сведению заключение аудитора | | |
| Голосовали | «За» — 185849 | «Против» — 11963 | «Воздержавшихся» — 460 |
| 4. | Утвердить отчет Председателя Наблюдательного совета о деятельности Наблюдательного совета акционерного общества «PO`LATQURILMA» | | |
| Голосовали | «За» — 185231 | «Против» — 12337 | «Воздержавшихся» — 704 |
| 5. | Оценить работу Наблюдательного совета общества в 2003 году «Удовлетворительным» | | |
| Голосовали | «За» — 185054 | «Против» — 12423 | «Воздержавшихся» — 795 |
| 6. | Избрать новый состав Наблюдательного совета на 2004 г. | | |
| Голосовали | «За» — | «Против» — | «Воздержавшихся» — |
| Баженов Е.П. | 197470 | 802 | — |
| Таджибаев А.К | 198009 | 86 | 177 |
| Газиев А.У. | 193585 | 4687 | — |
| Зиганшин И.Х. | 198186 | 86 | — |
| Комарова А.А. | 198272 | — | — |
| Лутфуллаев Ф. | 198133 | 76 | 63 |
| Рябов А. | 196647 | 802 | 823 |
| Туракулов М. | 197839 | 64 | 369 |
| Арсланов А. | 194099 | 1266 | 2907 |
| 7. | Избрать состав ревизионной комиссии | | |
| Голосовали | «За» — | «Против» — | «Воздержавшихся» — |
| Салтыкова Н.Г. | 197470 | 802 | — |
| Камолов М. | 185056 | — | 13216 |
| Нурилина Т.П. | 191664 | 86 | 6522 |
| 8. | Утвердить изменения и дополнения вносимые в устав ОАО «PO1LATQURILMA» | | |
| Голосовали | «За» — 196397 | «Против» — нет | «Воздержавшихся» — 1875 |
| 9.1. | Утвердить положение об общем собрании. | | |
| Голосовали | «За» — 194957 | «Против» — нет | «Воздержавшихся» — 3315 |
| 9.2. | Утвердить положение о Наблюдательном совете. | | |
| Голосовали | «За» — 194957 | «Против» — нет | «Воздержавшихся» — 3315 |
| 9.3. | Утвердить положение об Исполнительном органе общества. | | |
| Голосовали | «За» — 194957 | «Против» — нет | «Воздержавшихся» — 3315 |
| 10. | Утвердить распределение чистой прибыли по итогам 2003 г. и расчет выплаты дивидендов по акциям | | |
| Голосовали | «За» — 192386 | «Против» — 2755 | «Воздержавшихся» — 3131 |
| 11. | Утвердить бизнес-план на 2004 год. | | |
| Голосовали | «За» — 193901 | «Против» — нет | «Воздержавшихся» — 4371 |
| 12. | Утвердить размеры вознаграждения членам Наблюдательного совета, ревизионной и счетной комиссии. | | |
| Голосовали | «За» — 178504 | «Против» — 14129 | «Воздержавшихся» — 5639 |
| 13. | Утвердить положение о материальном стимулировании Исполнительного органа, членов Наблюдательного совета и других участников процесса формирования финансовых результатов. | | |
| Голосовали | «За» — 181369 | «Против» — 12795 | «Воздержавшихся» — 4108 |
| 14. | Утвердить аудитором общества на 2004 год ООО AUDIT SARDOR и предельную сумму оплаты его услуг. | | |
| Голосовали | «За» — 195288 | «Против» — 460 | «Воздержавшихся» — 2524 |
| 15. | Утвердить решение о направлении невостребованных более 3-х лет дивидендов акционеров в доход ОАО «PO`LATQURILMA». | | |
| Голосовали | «За» — 186891 | «Против» — 9966 | «Воздержавшихся» — 1415 |
| Полные формулировки решений, принятых общим собранием | | | |
| | Пащенко Т.М., Хегай Т.Н., Харитонову Н.Н считать избранными членами счетной комиссии. | | |
| 1.1 | Утвердить отчет Председателя правления и руководителей структурных подразделений об итогах деятельности ОАО за 2003 год и оценить деятельность Исполнительного органа «Удовлетворительно». | | |
| 2.1. | Избрать Председателем правления общества Цай Ермолай Михайловича. | | |
| 2.2. | Заключить на 2004 год договора найма с Председателем правления общества Цай Е.М. | | |
| 3.1. | Утвердить бухгалтерский баланс ОАО «PO1LATQURILMA» по состоянию на 31 декабря 2003 года. | | |
| 3.2. | Утвердить отчет о финансовых результатах по состоянию на 31 декабря 2003 г. | | |
| 3.3. | Утвердить отчет о прибылях и убытках ОАО «PO1LATQURILMA» за 2003 год и отчет по ценным бумагам форма ЦБ-2 годовая за 2003 год. | | |
| 3.4. | Утвердить отчет и заключение ревизионной комиссии о деятельности общества в 2003 году принять к сведению заключение аудитора о достоверности финансовой отчетности общества за 2003 год.. | | |
| 4.1. | Утвердить отчет Председателя Наблюдательного совета о деятельности Наблюдательного совета акционерного общества «PO`LATQURILMA» и принятые им решение в 2003 году. | | |
| 5.1. | Оценить работу Наблюдательного совета общества в 2003 году «Удовлетворительным. | | |
| 6.1. | Бяженов Е.П., Газиев А.У., Таджибаев А.К., Зиганшин И.Х., Комарова А.А., Рябов А., Арсланов А., Туракулов М., Лутфуллаев Ф считать избранными в состав Наблюдательный совет общества на 2004 г. | | |
| 7.1. | Салтыкову Н.Г.. Камолова М., Нурилину Т.П. считать избранными в состав ревизионной комиссии общества. | | |
| 8.1. | Утвердить изменения и дополнения вносимые в устав ОАО «PO`LATQURILMA». | | |
| 9.1. | Утвердить положение об общем собрании, Наблюдательном совете и Исполнительном органе общества. | | |
| 10.1. | Распределить чистую прибыль по итогам 2003 г. в размере 58 222,0 тыс.сум в следующем порядке: 15% — 8733,3 тыс.сум направить в резервный фонд; 60% — 34 933,2 тыс.сум в фонд развития общества; 25% — 14 555,5 тыс.сум на выплату дивидендов по акциям в расчете 41,58 сум на одну акцию. | | |
| 10.2. | Выплату дивидендов произвести наличными и безналичными денежными средствами с 2 августа 2004 года, согласно принятых нормативных документов. | | |
| 11.1. | Утвердить бизнес-план развития общества на 2004 год. | | |
| 12.1. | Утвердить размеры вознаграждения членам Наблюдательного совета, ревизионной и счетной комиссии (приложения). | | |
| 13.1. | Утвердить положение о материальном стимулировании Исполнительного органа, членов Наблюдательного совета и других участников процесса формирования финансовых результатов. | | |
| 14.1. | Утвердить аудитором общества на 2004 год аудиторскую организацию ООО AUDIT SARDOR и установить предельный размер оплаты его услуг 1.6 млн. (Один миллион шестьсот тысяч) сум. | | |
| 15.1. | Дивиденды не востребованных более 3 лет направить на развитие общества в установленном порядке. | | |

## 1. СПИСОК АФФИЛИРОВАННЫХ ЛИЦ ОАО «PO`LATQURILMA» С УКАЗАННЕМ КОЛИЧЕСТВО И ВИДОВ ПРИНАДЛЕЖАЩИХ ИМ ЦЕННЫХ БУМАГ (ПРОИЗВОДНЫХ ЦЕННЫХ БУМАГ).

| Ф.И.О. аффилированных лиц | ИНН | Серия | № паспорта | Количество ценных бумаг, шт. | в том числе: АКЦИИ | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | простые именные | привелигир. именные | простые на предьявителя | привелиг. на предьявителя |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| Таджибаев А.К. | | CA | 0165016 | 884 | 884 | 0 | | |
| Баженов Е.П. | | CA | 0651074 | 0 | 0 | 0 | | |
| Газиев А.У. | | CA | 1018761 | 154 | 153 | 1 | | |
| Зиганшин И.Х. | | CA | 1267883 | 467 | 463 | 4 | | |
| Комарова А.А. | | CE | 0121587 | 178 | 176 | 2 | | |
| Лутфулллаев Ф. | | CB | 0065494 | 285 | 283 | 2 | | |
| Рябов А. | | CA | 1284038 | 750 | 746 | 4 | | |
| Туракулов М. | | CL | 0744316 | 429 | 427 | 2 | | |
| Арсланов А. | | CB | 0821478 | 446 | 441 | 5 | | |
| Цай Е.М. | | CA | 0189630 | 0 | 0 | 0 | | |

## СВЕДЕНИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ ПОРЯДКОВЫЙ НОМЕР СООБЩЕНИЯ — 10.

| Изменения в персональном составе должносных лиц ОАО «PO`LATQURILMA» | |
|---|---|
| Орган управления эмитента, в котором произошли изменения | Наблюдательний совет |
| Фамилия, имя, отчество каждого лица, избранного (назначенного) в орган управления эмитента | Арсланов А., Баженов Е.П. Газиев О.У., Зиганшин И.Х. Комарова А.А., Лутфуллаев Ф. Рябов А., Туракулов М. Таджибаев А.К. |
| Фамилия, имя, отчество каждого лица, полномочия которого прекращены | Арсланов А., Баженов Е.П. Газиев О.У., Зиганшин И.Х. Комарова А.А., Лутфуллаев Ф. Рябов А., Салиев М. Таджибаев А.К. |
| Орган управления эмитента, в котором произошли изменения | Исполнительный орган — Председатель правления |
| Фамилия, имя, отчество каждого лица, избранного (назначениого) в орган управления эмитента | Цай Е.М. |
| Дата, в которой произошли или произойдут указанные изменения | «04» июня 2004 г. |
| Уполномоченный орган эмитента, принявший решение, являющееся основанием указанных изменений | Годовое общее собрание акционеров |
| Дата его принятия или иные обстоятельства, повлекшие указанные изменения | «04» июня 2004 г. |

Услуги лицензированны

**Спорт**

# РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ — ЧОРАК ФИНАЛДА



Шу кунларда Ливия пойтахти Триполида шоҳмот бўйича ўтаётган жаҳон чемпионати ҳал қилувчи паллага кирди. Мукофот жамғармаси 1,5 миллион АҚШ доллари бўлган мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг 56 мамлакатидан 128 нафар шоҳмот устаси ғолиблик учун баҳсларни бошлашганди.

Жаҳоннинг етакчи шоҳмотчилари билан бир қаторда ҳамюртларимиз Рустам Қосимжонов, Александр Барсовлар ҳам чемпионатда дона суришмоқда. Олимпия тизими асосида ўтказилаётган мусобақанинг дастлабки даврасида А.Барсов исроиллик шоҳмотчига имкониятни бой бериб мусобақани тарк этди. Рустам эса баҳсларни муваффақиятли бошлади. Дастлабки босқичда Голландия вакилини мағлуб этиб 1/32 финал учрашувини ҳам ғалаба билан якунлади. Навбатдаги босқичга чиқиш учун Қосимжонов ФИДЕнинг амалдаги вице-чемпиони украиналик Василий Иванчукка қарши дона сурди. Бу шоҳмотчилар баҳсида ҳамюртимиз рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади — 2,5:1,5. Қуръага кўра, нимчорак финалда Рустам венгриялик таниқли шоҳмотчи Золтан Алмаши устидан соф ғалабага эришди — 2:0.

Энди халқаро тоифадаги гроссмейстеримиз Рустам Қосимжонов чорак финалда болгариялик шоҳмот устаси Веселин Топаловга қарши баҳс юритади. Топалов олдинги босқичда хорватиялик Зденко Козюлни 2:0 ҳисобида енгганди.

# ЧЕХИЯ МЎЪЖИЗАСИ

Ҳисоб-китобларга қараганда футбол бўйича Европа чемпионати ўйинларини оз эмас, кўп эмас 9 миллиарддан ортиқ мухлис томоша қиларкан. Сўзсиз футбол тасодифларга бой ўйин. Мухлислар Португалия яшил майдонларида бир-биридан қизиқарли учрашувларнинг гувоҳи бўлишяпти. Қизиғи шундаки, гуруҳ ўйинларида Испания, Россия, Италия, Германия каби номдор жамоаларнинг имкониятни бой бериб чемпионат билан эрта хайрлашиши мухлису мутахассисларни таажжубга солган эди. Чорак финал ўйинларида эса кўпчилик чемпионликка асосий даъвогар, деб ҳисоблаган Англия ва Франция футболчиларининг кутилмаганда мағлубиятга учраши футбол билимдонларини ҳам ҳайратга солди. Европа футболида «об-ҳаво»нинг бундай кескин ўзгариши сабаблари мутахассислар томонидан ўрганилади, таҳлил қилинади, албатта.

Маълумки, саккиз жамоа ўртасидаги чорак финал учрашувини Португалия ва Англия футболчилари бошлаб беришганди. Бу ўйинда инглизларнинг омади юришмай, Португалия футболчилари ярим финалга йўлланма олди. Чемпионатнинг 26-учрашуви бўлмиш Франция — Греция футболчилари ўртасидаги баҳс ҳам мухлисларда унутилмас таассурот қолдирди. Биламизки, чемпионатнинг биринчи учрашувини Греция жамоаси майдон эгалари билан ўтказиб, қимматли уч очкони қўлга киритганди. Шунинг учун ҳам Франция — Греция жамоалари учрашувига қизиқиш ниҳоятда катта эди. Сўзсиз бу учрашувда французлар ғалаба қилади, деган башоратлар айтилди. Зеро, тўп думалоқ деганларидек, бу учрашувда ҳам ҳеч ким кутмаган натижа қайд этилди. Олимпиада ўйинларини ўтказишга ҳозирлик кўраётган Греция футболчилари чемпионларнинг ҳужум ва қарши ҳужумини бартараф этиб, дарвозалари дахлсизлигини таъминлашга муваффақ бўлдилар. 65-дақиқада Ангелос Харистеас французлар дарвозасига тўп киритиб, Грецияга ғалаба келтирди. Шу тариқа Греция жамоаси ярим финалга йўлланма олди.



Швеция — Голландия учрашуви ҳам қизғин ва муросасиз давом этди. Мухлислар шведларнинг гуруҳдаги якунловчи тур учрашувида Дания жамоаси билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнаб, италияликларни «қоронғи кўчада» адаштирганликларини яхши билишади. Стадионда Италия жамоасига мухлислик қилувчилар кўп эди. Шунинг учунми, шведлардан голландлар Италия учун «ўч» олса керак, деган фикрлар ҳам йўқ эмасди. Голландия футболчилари эса бор-йўғи 4 та очко билан чорак финалга йўлланма олишган. Учрашув бошланишидан аввал ҳар икки жамоа ҳам майдонда бор кучини сарфлаши маълум эди. Бу ўйинда дарвозабонлар учрашув тақдирини ҳал қилди десак тўғри бўлар. Швед дарвозабони Андреас Исакссон қанчалик маҳорат кўрсатган бўлса, Голландия жамоаси қўриқчиси Эдвин Ван дер Сар ундан асло қолишмади. Оқибатда дарвозалар асосий вақтда дахлсиз қолди. Икки таймли қўшимча вақтда ҳам ҳисоб очилмади. Қоидага кўра, словакиялик ҳакам Любош Михел 11 метрли жарима тўплари тепишга изн берди. Дарвозани аниқ нишонга олиш бўйича Голландия футболчиларининг омадлари чопди. Сўнгги тўпни дарвозага йўллаган голландиялик Ариен Роббен учрашувга нуқта қўйди — 4:5. Шу тариқа голландлар чемпионатдаги иккинчи ғалабалари билан ярим финалга чиқишди.

Тўғриси, мусобақа бошланиши арафасида ҳам, ўйинлар қизғин паллага кирган дамларда ҳам мутахассис ва мухлислар Чехия жамоасини чемпионликка асосий даъвогар, деб дадил фикр айтмаган. Чехларнинг юлдузи ҳисобланган Недвед: «Биринчи учрашувда латишларни ютдик. Лекин ўйлайманки, голландлар билан Германия футболчиларига қарши ўйин биз учун қизиқарлироқ бўлади», деган эди. Ҳақиқатан ҳам чемпионатда чехлар мағлубият нималигини билмай одимламоқдалар. Гуруҳ учрашувларини 9 та очко билан якунлаган бу жамоа чорак финал учрашувини Дания футболчилари билан ўтказди. Кузатишлар шуни кўрсатяптики, чехлар аксарият ўйинларда аввалига тўп ўтказиб юбориб, кейин ғалаба қилмоқда. Бу сафар эса аксинча, биронта ҳам тўп ўтказмай дарвозалари дахлсизлигини сақлай олдилар. Валентин Иванов бошқарган учрашувнинг дастлабки бўлимида ҳисоб очилмади. Танаффусдан кейин, 49-дақиқада Ян Коллер чехларни олдинга олиб чиқди. 63-дақиқага борганда Милан Барош ғалабани мустаҳкамлади. Орадан яна икки дақиқа ўтгач, у ҳисобни 3:0 га етказиб, чемпионатдаги бешинчи тўпини киритди.

Ҳозирча Чехия жамоасида чемпион бўлиш учун барча имкониятлар етарли экани аён бўлиб қолмоқда. Чех футболчилари устози Карл Брюкнер арқонни узун ташлаган кўринади. Умуман, чехлар Португалияда мўъжиза яратмоқдалар десак хато бўлмас. Олдинда эса қизғин ва муросасиз баҳслар турибди. Эртага Португалия — Голландия жамоалари ўртасида биринчи ярим финал учрашуви бўлади. 1 июль куни Порту шаҳрида Греция ва Чехия жамоалари чемпионатнинг финалини кўзлаб майдонга тушадилар. Хулоса қилиб айтганда, яна 3 та учрашувдан кейин Европа чемпиони аниқланади.

**Ҳайдар НОСИРОВ, Равшан ОМОНОВ**

**Қадрият — ўзликни англаш**

# УЛУҒЛАР АБАДИЯТИ

Халқимизга хос меҳр-оқибат, саховат, олижаноблик ва садоқат каби эзгу туйғулар ўзининг теран илдизларига эга. Улуғ аждодлар хотирасини эъзозлаш, уларни тез-тез ёдга олиб туриш мана шу ўлмас фазилатлар сирасига киради. Мустақиллигимиз шарофати туфайли барча қадриятларимиз қатори илгари номлари қораланиб, тарихдан ўчириб ташлашга уринилган юртдошларимиз хотираси ҳам тикланди.

Қатағон қилинган улуғ ватандошларимиз орасида серқирра адиб Сирожиддин — Сидқий Хондайлиқий ҳам бор эди. Ватанини жон-дилдан севган, шижоатли ҳамда ҳалол, меҳнатни улуғлаган, таъмагирларни ҳажв орқали аямай фош қилган довюрак бу инсон қизил империя даврида жадид намояндаси сифатида айбланиб, қувғин қилинган эди. Шоир йиллар давомида Фарғона водийси музофотларида яшириниб юришга мажбур бўлади. Оғир азоб-уқубатлар эзиб ташлаган адиб эллик ёшга етар-етмас — 1934 йилда оламдан кўз юмди.

Шу йил таваллудига 120 йил тўладиган Сидқий Хондайлиқийнинг муборак номи Президентимиз назаридан четда қолмади. Давлатимиз раҳбари бир йиғилишда аждодларимиз хотирасини тиклаш биз учун энг катта бурч эканлиги хусусида тўхталиб, Тошкент вилоятидан чиққан Сидқий Хондайлиқий каби буюк зотлар ёди ўз қадр-қимматини топиши лозимлигини алоҳида уқтириб ўтгандилар. Бугун бу гаплар амалда ўз ифодасини топмоқда: Сидқий Хондайлиқий ижоди ва фаолиятига оид илмий изланишлар бошлаб юборилди, «Маънавият» нашриёти томонидан шоирнинг танланган асарлари китоб ҳолида нашр этилди, кўплаб мақолалар ёзилмоқда. Шоир таваллуд топган Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманининг Хондақлиқ қишлоғи марказидаги гузарда Сидқий номи билан аталувчи мажмуани бунёд этиш, унинг асарларини кенгроқ ҳажмда қайта нашр этиш каби ишлар режалаштирилган. Бироқ, айтиш жоизки, серқирра ижодкорнинг адабий меросидан кичик бир қисми ўрганилди холос. Унинг жаҳон бадиий дурдоналаридан бўлмиш «Минг бир кеча» каби таржималари, тўла ўрганиб улгурилмаган бошқа асарлари ҳамон эътибордан четда қолмоқда. Уларни юзага чиқариш, адибнинг меросини халққа таништириш мақсадида айни дамда бирмунча ишларни амалга ошириш лозим.

Хўш, бу адиб ким эди? Сирожиддин — Сидқий Хондайлиқий ҳақиқий маънода ҳурмат ва эътиборга лойиқ инсон эди. У нафақат эзгуликни куйлаган, бутун ҳаёти давомида адолат тантанаси учун бетиним курашган, муҳтожларга кўмак берган. Шунингдек, бу зот улуғларни эъзозлаш, ҳурматлашни ҳам ўрнига қўя оладиган адиб эди. Араб, форс тилларини ўз она тили даражасида ўзлаштиргани учун Сидқий ижод йўлида ҳеч ҳам қоқилмади. Унинг «Тазкираи Имоми Аъзам» каби юксак савияда битилган асарлари кўпчиликка яхши таниш.

Серқирра ижодкорнинг заҳматли меҳнати туфайли фанга номаълум бўлиб келаётган айрим маълумотларга ойдинлик киритилди. Жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик институтининг қўлёзмалар бўлимида сақланаётган «Хандақлиқ тарихи» номли хабарномасида у 1720 йилдаги қалмоқлар босқини пайтида ҳамқишлоқларининг улуғ авлиёлар макон қурган тоғлар орасига бориб жон сақлаганларини ёзади. Бу маълумотномани ўрганиш асносида кутилмаган бир синоатга дуч келдик. Сидқийнинг ҳамқишлоқлари йигирма йил давомида Шоҳи Жаҳон деган тепаликда яшаб тургани рост экан. Бу ерда жойлашган қадимий Пском қишлоғи зиёлилари ва кексалари дарё қирғоғидаги кўҳна қабристонда Хожа Абдулло Ансорий исмли буюк зот қабри борлигини, бу масканга узоқ-яқиндан келувчи зиёратчиларнинг қадами узилмаслигини айтиб қолишди. Бу жуда қизиқ факт эди.

Шу ўринда ушбу зот ҳақида ҳам қисқача тўхталсак. Маълумки, Абдулло ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Абдумансур Муҳаммад — Хожа Абдулло Ансорий ўз даврининг етук алломаларидан бўлиб, «Муножот», «Сайр этувчиларнинг манзиллари», «Илоҳийнома», «Насиҳатнома», «Сирлар китоби», «Орифларнинг йўл озиқлари», «Вазирларга туҳфа» каби асарлар яратган. 1006 йил Ҳирот шаҳрида таваллуд топиб, 83 йил умр кўрган ул буюк зот Тошкент музофотидаги тоғлар орасига қай йўл ва не сабаб билан келиб қолди экан?!

Биз мана шуларни аниқлаш мақсадида таниқли шоир Азим Суюн, Угом-Чотқол Миллий табиат боғи нозирлари бошлиғи Абдураҳмон Ғоибов ва псcomplikлик Эгамберди Ражаматовлар билан зиёратгоҳни бориб кўрдик. Кичкинагина айвончали, тунука томли бу уйда чиндан ҳам маҳобатли қабр бор эди. Шу қишлоқ қариялари билан гурунглашганимизда пскомликлар кўҳна бу қабр чиндан ҳам Хожа Абдулло Ансорийники эканлигини қайта-қайта таъкидлашди. Фахрий педагог Мирҳайдар ота Ориповнинг далиллари диққатимизни ўзига тортди. Саксон уч ёшли бу отахоннинг аждодлари дин илмидан яхшигина хабардор зиёлилар бўлиб, уларнинг барчаси кўҳна қабр Хожа Абдулло Ансорийга тегишли эканлигини айтиб ўтишган.

2006 йилда Хожа Абдулло Ансорий таваллудига роппа-роса минг йил тўлади. Бу макон чиндан ҳам буюк аллома қабри бўлса, зиёратгоҳни қайтадан таъмирлашга тўғри келади. Чунки йиллар давомида уйча чўкиб, атрофлари емирилиб кетган экан. Президентимиз ташаббуси билан Ҳиротдаги буюк аждодларимиз руҳи-покларини шод этишга киришилаётган айни дамларда бу зиёратгоҳ ҳам таъмирланиб, обод этилса, ажаб эмас. Ахир вилоятнинг Бўстонлиқ тумани ҳудудида бу каби улуғ қадамжолар кўп.

Угом-Чотқол Миллий табиат боғи бош директори Абдукарим Абдужамилов, ходимлардан Абдураҳмон Ғоибов ва Эгамберди Ражаматов бу ерларда яшаб ўтган улуғлар ҳақидаги ривоятларни кўп билишаркан. Лочинқия, Роҳий Хўжа (хўжа юрган йўл), Ҳазор така (минг така) каби чўққилар ҳақидаги қизиқ далиллар ўтмишдошларимиз ҳаётларини ҳам ифтихор, ҳам ачиниш ила ёдга олишга ундайди. Айниқса, Қорақиз, Онаўлган сой довонлари тўғрисидаги ғоят таъсирчан ривоятлар киши қалбини ларзага солади.

Улуғ инсонларнинг руҳи кезиб юрган буюк тоғлардан қайтар эканмиз, ривоятлар ривоятларга уланиб борарди. Тоғлардан тушгач, Сирожиддин — Сидқий Хондайлиқий абадий макон топган Паргиз қўрғонига рўпара бўлдик. Шу жойда зиммамизда катта қарз борлигини кўрдик. Маълумки, Сидқий Хондайлиқий таваллудининг юз йиллигида (1984 йил), шоир қабри аниқланиб, унга ёдгорлик ўрнатилган эди. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманининг Паргиз қўрғонидаги бу ёдгорлик атрофи, афсуски йигирма йил олдин қандай аҳволда бўлса шундайлигича қолиб кетибди. Юқорида таъкидлаганимиздек, таваллудининг 120 йиллиги арафасида Сидқий мажмуасини бунёд этиш ҳаракати бошланган экан, бир йўла шоир қабри атрофи ҳам ободонлаштирилса мазмундорлик, тўкислик янада ошади, албатта. Зеро, улуғлар абадиятини ҳис қилган, уни ардоқлаган инсонлар ҳеч қачон кам бўлмайди.

**Асад АСИЛ,**
**ёзувчи**

**Аёл ва жамият**

# ОЛИМАНИНГ НУРЛИ ЙЎЛИ

Маҳалла — халқ қадриятларининг кўзгуси. У орзу-умидли, оқибатли, сабр-қаноатли одамларни яхши қўшничиликда ва меҳрибон қуда-андачиликда яшашга ундаб келади. Маълумки, маҳаллалар қадим-қадимдан шарқона яшаш, урф-одатлар, анъаналар, халқ удумлари тўла акс этган, тўю маъракалар бошида маҳалла оқсоқоллари, энг нуфузли кишилар турган пурҳикмат макон бўлиб келган.

Бугун ҳам бундай маҳаллалар юртимизда истаганча топилади. Шулардан бири пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Мустақиллик» маҳалласидир. Бу ерда 3100 дан ортиқ турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Улар бир-бирига меҳр-оқибатли, тотув. байрам ва тадбирлар, барча тўю маъракаларда ҳамфикр, маслакдош. Бу масканда 500 дан ортиқ қария ва 19 нафар уруш қатнашчиси бўлиб, улар доимо эъзозда, ҳурмат-эҳтиромда, фуқаролар йиғини эътиборида.

Яқинда ушбу масканда биринчи ўзбек аёл академикларидан бири умрини ўзбек фани ривожига бағишлаган Машҳура Мавлонийнинг 70 йиллик юбилейи нишонланди. Унда барча маҳалла фаоллари, олиманинг ҳамкасблари ҳамда қариндош-уруғлари қатнашиб, уни таваллуд айёми билан қутлашди.

— Ҳудудимиз аҳолисининг 60 фоизини зиёлилар ташкил этади. Шулардан бири нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам номи кўпчиликка маълум бўлган, Машҳура Мавлонийдир. Опа 35 йилдан буён ушбу гўшада истиқомат қилади, — дейди «Мустақиллик» маҳалласи раиси Фатхулла Исроилов. — У маҳалламиз фахри, ғурури. Машҳура опани барча ҳурмат қилади, эъзозлайди, байрам ва тўю маъракаларнинг доимо тўрида. Шунингдек, опанинг ўзи маҳалла фаолларидан бири, барча ишга бош-қош бўлиб, ўз маслаҳатларини беради, йўл-йўриқ кўрсатади. Мана бугун аллома ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган тадбирни ўтказмоқдамиз. Бундан кўзланган мақсад битта, академик олима босиб ўтган нурли йўл ва у кишининг қўлга киритган улкан ютуқларини ёшларга ўрнак қилиб кўрсатишдир.

**Шаҳноза ҲАМИДОВА**

# ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИГА ЁРДАМ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Меҳр ва мурувват йили Давлат дастури доирасида белгиланган режаларни амалга ошириш мақсадида республикамиз ҳудудида бир қатор хайрия тадбирларини ўтказиб келмоқда.

Яқинда Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Қуёшли» оромгоҳида дам олаётган Оролбўйи ҳудудидан келган 122 нафар болажонга жамғарма томонидан зарур дори-дармонлар, мультивитаминлар ва ўқув қуроллари топширилди.

**Шамсиё БОЛТАБОЕВА**


## Ўқишга марҳамат!

**Самарқанд шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи Республика лицейи 2004-2005 ўқув йили учун 2004 йилда 9-синфни битирган иқтидорли ўқувчиларни ўқишга қабул қилади.**

**Ўқишга Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида доимий турар жойи бўлган ўқувчилар қабул қилинадилар.**

*Ўқишга қабул қилинган номзодлар 4 маҳал овқат ва ҳарбий кийим-кечаклар билан бепул таъминланади.*

*Номзодлар: жисмоний тарбия (турникка тортилиш ва 1000 метрга югуриш) ва физика, математика, она тили ва адабиёт фанларидан тест имтиҳонларини топширади.*

*Ҳужжатлар 2004 йил 1 июлдан, 31 июлгача қабул қилинади.*

**Қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:**

- номзод ота-отаси томонидан лицей директори номига ёзилган аризаси;
- номзоднинг лицей директори номига ўқишга кириш ва лицейни тугатгандан сўнг ҳарбий олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши ҳақидаги шахсий аризаси;
- таянч маълумоти тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси;
- яшаш жойидаги Мудофаа ишлари бўлими қошида тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисида ҳужжат;
- мактаб директори ва синф раҳбари томонидан имзоланган тавсифнома;
- таржимаи ҳол;
- туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ва 2 нусха кўчирма;
- турар жойидан оила аъзолари таркиби кўрсатилган маълумотнома;
- 3х4 (4 дона), 4х6 (4 дона) ҳажмдаги бош кийимсиз фотосурат;
- яшаш жойидаги Ички ишлар бўлимида ҳисобда турмаганлиги тўғрисида маълумотнома.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Кимёгарлар қўрғони, Ертешар кўчаси, 5 уй.
Қўшимча маълумот учун телефон: 25-06-40





ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ
**«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»**
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН

*«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.*

**Товар сертификатланган.**

Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru



**СООБЩЕНИЕ**

Существенный факт — 1.
Полное наименование: ЗАО «LAZZAT».
Почтовый адрес: г.Гулистон, ул.Ахмедова, 3.
Способ реорганизации: преоброзование.
Уполномоченный орган принявший решение: обшее собрание.
Дата реорганизации: 12 июня 2004 г.
Дата гос. регистрации: 17 июня 2004 г.
Дата внесения в реестр: 18 июня 2004 г. №00254



Тошкент Технология техникуми томонидан 1983 йил 16 апрелда Гулнора Маденовна Абдураҳмонова номига берилган ДТ №855810 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Зиёвуддин Мансурга онаси

**ИНОБАТХОН ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.


**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Azimjon AYUPOV**
**Aziz NOSIROV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Norbobo SHAKAROV** (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV** (Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV** (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV** (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Ma`murjon QIYOMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 765
10111 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.15
2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA